

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. Хизмат таърифи (паспорти)

1.1. Хизмат номи

Ўлчаишларни бажариш усулиятини аттестатлаш

1.2. Хизмат натижаси

*Тасдиқланган ўлчаишларни бажариш усулияти.
Ўлчаишларни бажариш усулияти сертификати.*

1.3. Хизмат кўрсатадиган органлар ва бланкларни олиш жойлари

*- давлат метрологик хизмат органлари: “МХКМ” ДК, СМСИТИ
- ЎБУ аттестатлашдан ўтказиш ҳуқуқига аккредитланган юридик шахслар.*

- ўлчаишларни бажариш усулияти лойиҳаси илова қилинган расмий хат.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари: “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”.

1.5. Хизмат олувчилар

- ЎБУдан фойдаланувчи юридик шахслар (корхоналар, ташиқлотлар, муассасалар ва бошқ.).

1.6. Расмий талаб берилиш муддати

Муддати белгиланмаган.

1.7. Бажарилиш муддати

Муддати белгиланмайди (ўтказилаётган текиширишлар ҳажмига кўра тахминан 5 ойдан 12 ойгача).

1.8. Тасдиқловчи ҳужжат бериш муддати

Хизмат кўрсатишига шартнома тузиш ЎБУ аттестатлашга талабнома қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Шартнома ариза берувчининг олдидан 10-30 дақиқа давомида расмийлаштирилади.

2. Хизмат олувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Мурожаат қилган ҳар қандай шахсга қуйидаги ахборот тақдим этилиши кафолатланади:

- хизмат кўрсатадиган органнинг жойлашган жойи, унинг иш тартиби, таширф буюрувчиларни қабул қилиши тартиботлари (мурожаат қилинган кун қабул қилиниши, жойидаги навбат билан ва ҳ.к.) ҳақида;
- хизмат олиши учун зарур ҳужжатлар рўйхати ҳақида;
- талабнома тўлдириши учун зарур маълумотлар олиши тартиб ва усуллари ҳақида, шунингдек тўлов тартиби ҳақида;
- хизмат олиши тартиботлари ҳақида;
- хизмат кўрсатиши муддатлари ҳақида.

2.2. Кенг ахборот бериш

ЎБУ Давлат реестрида ЎБУ аттестатлаш бўйича метрологик хизмат кўрсатилиши ҳақида ахборот “Ўзстандарт” агентлигининг веб-сайтида (www.standart.uz) жойлаштирилган.

2.3. Расмий талаб бўйича ахборот бериш

- Ташилот жойлашган жойи бўйича шахсий мурожаат: 9-00 дан 18-00 гача хизмат олиши ҳақида исталган саволлар бўйича озгаки маслаҳат бериши ва матн, реквизитлар, хизматга ҳақ тўлаш, зарур ҳужжатлар таркиби кўринишида ёзма ахборот тақдим этиши;

- телефон бўйича мурожаат: “Ўзстандарт” агентлиги (Метрология бошқармаси) (+998-71) 227-51-43; (+998-71) 246-70-94, “МХКМ” ДК (+998-71) 150-26-10, СМСИТИ (+998-71) 253-80-83 9-00 дан 18-00 гача катта миқдордаги ахборотнинг аниқ, масалан, хизматга ҳақ тўлаш реквизитларининг узатилишини талаб этмайдиган, хизмат олиши ҳақида исталган саволлар бўйича озгаки маслаҳат бериши;

- факс орқали мурожаат “Ўзстандарт” агентлиги (+998-71) 246-17-63, “МХКМ” ДК (+998-71) 150-26-15, СМСИТИ (+998-71) 253-71-34 : сутка давомида исталган ёзма расмий талаблар қабул қилинади

2.4. Хизмат кўрсатиш жойида ахборот бериш

- “Ўзстандарт” агентлиги Тошкент ш. Фаробий кўч. 333 “А”, “МХКМ” ДК, Тошкент ш. Фаробий кўч. 333 “А”, СМСИТИ Тошкент ш. Чолпон-Ота кўч. 9а, ЎБУ аттестатлашдан ўтказиш ҳуқуқига аккредитланган жисмоний ва юридик шахслар.

2.5. Ишлатиладиган ҳужжатларнинг бланклари (шакллари)

Талаб этилмайди

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Шанба ва яқинбадан ташиқари ҳар куни 9:00 дан 18:00 гача.
Ўзбекистон Республикасининг расмий байрам кунлари – қабул кунлари эмас.

3.2. Кутиш шароитлари

Навбат тартибида. Ўртача вақт битта таширф буюрувчига 10-15 мин.

4. Хизмат кўрсатиш тартиботи

4.1. Зарур ҳужжатлар

Хизмат кўрсатиши учун юридик шахслардан ЎБУ лойиҳаси илова қилинган расмий хат.

4.2. Хизматга ҳақ тўланиши

Ўлчаиларни бажариши усулиятини аттестатлаш – пуллик хизмат. (нархи келишилган)

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Давлат хизматини кўрсатиш тартиботи:

1. *Хужжатларни қабул қилиши:*

1.1. *Ариза берувчи ЎБУ аттестатлашдан ўтказиш ҳақидаги расмий хат билан мурожаат қилади ;*

1.2. *Хатга ЎБУ лойиҳаси илова қилинади*

1.3. *Бажарувчи талабномани кўриб чиқади. Тегишли шароитлар мавжудлигида, талабнома қабул қилинади ва аттестатлашдан ўтказиш учун шартнома расмийлаштирилади. Агар ЎБУ ишлаб чиқиш бажарувчининг аккредитация соҳасида мавжуд бўлмаса, жараён тўхтатилади, ва бунга қонунчиликда ўрнатилган тартибда шикоят аризаси берилиши мумкин;*

2. *Ариза берувчи шартномада кўрсатилган суммани тўлайди, ва тўлов хужжатини тақдим этади.*

3. *Бажарувчи, пул маблағларини тушиганлигини аниқлаб, ЎБУ аттестатлаш тартиботини бошлайди*

4. *ЎБУ қонунлаштириш бўйича ишларнинг бутун комплекси қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади:*

4.1. *Янгидан ишлаб чиқилган ЎБУ хужжати ёки амалдаги (қайта кўриб чиқилаётган) ЎБУ хужжати лойиҳасининг метрологик экспертизаси;*

4.2. *ЎБУ метрологик аттестатлаш дастурини ишлаб чиқиш, келишиши ва тасдиқлаш;*

4.3. *Назарий ва (ёки) экспериментал текширишлар ўтказиши;*

4.4. *ЎБУ аттестатлаш тўғрисида ҳисобот, ЎБУ регламентловчи хужжатнинг якуний таҳрири ва уни аттестатлаш тўғрисидаги хужжат лойиҳасини расмийлаштириши;*

4.5. *Аттестатлаш натижаларига кўра хужжатларнинг метрологик экспертизаси;*

4.6. *ЎБУ тасдиқлаш ва рўйхатга олиш.*

5. *Хизмат олиши:*

5.1. *Бажарувчи томонидан сертификат, тасдиқланган ЎБУ берилади.*

4.4. Давлат хизматини кўрсатишнинг идора ичидаги тартиботлари

Хизмат кўрсатиш тартиботи:

1. *Бажарувчи талабнома қабул қилгандан сўнг метрологик аттестатлаш дастурини ва ЎБУ лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади;*

2. *ЎБУ ишлаб чиқилиши:*

2.1. *Ишлаб чиқилган ЎБУ лойиҳаси ва метрологик аттестатлаш дастури (МАД) экспертиза ва келишиши учун давлат метрологик хизматига юборилади;*

2.2. *Экспериментал текширишлар ўтказилиши.*

2.3. *ЎБУ аттестатлаш тўғрисида ҳисобот расмийлаштириши ва ЎБУ регламентловчи хужжатнинг якуний таҳририни тайёрлаш;*

2.4. *Аттестатлаш материаллари экспертиза учун давлат метрологик хизматига юборилади;*

2.5. *Экспертиза натижаларига кўра ЎБУ тасдиқланади ва ЎзР Давлат реестрига киритилади.*

4.5. Рад этиш учун асослар

Аккредитация доирасида кўрсатиладиган хизматларнинг мавжуд эмаслиги.

Шартнома талаблари бажарилмаган ҳолда.

5. Сифатнинг таъминланиши

5.1. Сифат параметрлари


Кўрсатилган хизмат сифати шикоят аризалари бўйича, йил давомида барча хизмат кўрсатилган юридик шахсларга нисбатан фоиз нисбатида аниқланади.

5.2. Сифатсиз хизмат устидан шикоят аризаси бериш

Хизмат кўрсатишининг барча жараёнлари устидан шикоят аризаси бериш мумкин:

- ташкilotнинг расмий телефонлари ва факслари бўйича;*
- ташкilot раҳбарининг номига ёзма шаклда;*
- истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилиши ёки сифатсиз кўрсатилган хизмат ҳақида - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда .*

Давлат хизматини тақдим этиш схемаси



Давлат хизматини кўрсатишнинг идора ичидаги тартиботлари

